

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ
КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ТОҒАШАРОВ АҲАТ САЛИМОВИЧ

**ХЛОРАТ ТУТУВЧИ САМАРАЛИ ДЕФОЛИАНТЛАР СИНТЕЗИ ВА
ОЛИНИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)

Тоғашаров Аҳат Салимович

Хлорат тутувчи самарали дефолиантлар синтези ва олиниш
технологиясини ишлаб чиқиш 3

Тоғашаров Аҳат Салимович

Синтез и разработка технологии получения хлорат содержащих
эффективных дефолиантов 29

Togasharov Akhat Salimovich

Synthesis and development of technology for efficient chlorate containing
defoliantes 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ
КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ТОҒАШАРОВ АҲАТ САЛИМОВИЧ

**ХЛОРАТ ТУТУВЧИ САМАРАЛИ ДЕФОЛИАНТЛАР СИНТЕЗИ ВА
ОЛИНИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/T13 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.ionx.uz ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Тухтаев Сайдиахрал

Кимё фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

Расмий оппонентлар:

Намазов Шафоат Саттарович

техника фанлари доктори, профессор

Усманов Султан Усманович

техника фанлари доктори, профессор

Хамракулов Зоҳидбек Абдусаматович

техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ва Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашининг «___»_____2017 йил соат___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: ionxanruz@mail.ru).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60).

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.С. Закиров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, к.ф.д.

Д.С. Салиханова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.д.

Г.У. Раҳматқориев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раис ўринбосари, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда минерал ўғитлар, стимуляторлар, пестицидлар алоҳида ўрин тутди. Хусусан, пахта ҳосилини сифатли ва қисқа муддатда йиғиб олиш учун дефолиация тадбири ўтказилади. Дефолиантлар таъсирида барглар тўкилиб, ғўза қатор ораларида ҳаво айланиши яхшиланади, ёш кўсакларга қуёш нури тўғридан-тўғри тушади. Бу ўринда кам захарли, самарали дефолиантларни ишлаб чиқаришга катта эътибор берилмоқда.

Республикамиз мустақилликка эришгандан буён мамлакатимизда мавжуд бўлган хомашёлар асосида ғўза дефолиантларини яратишни ривожлантириш йўналишида илмий изланишларни юқори даражада ташкил этиш ва қишлоқ хўжалигини сифатли дефолиантлар билан таъминлаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилди. Бу борада ғўза баргини суний баргсизлантиришда қўлланилаётган дефолиантларни маҳаллий хомашёлар, хлоратлар ва физиологик фаол моддалар асосида ишлаб чиқарилган препаратларни (Морел, Сихат, Садаф, Супер ХМД, ПолиДЕФ ва ҳ.к.) алоҳида таъкидлаш мумкин. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиққан ҳолда саноатни ривожлантиришда, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида, юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга эътибор қаратиш зарурлиги, ноорганик моддалар технологияси равнақи бу борада алоҳида аҳамият касб этиши шубҳасиз. Ҳозирги кунда саноатимизда магний, натрий хлоратлари, пахта тозалаш заводи чиқиндиси ва этилен ҳосил қилувчи бирикмалар асосида комплекс таъсир этувчи дефолиантларни синтез қилиш ва олиниш технологиясини ишлаб чиқиш назарий ва амалий тадқиқотларни тақозо қилади.

Бугунги кунда жаҳонда комплекс таъсирга эга бўлган дефолиацияловчи, стимуляторлик ва физиологик фаолликка эга бўлган дефолиантларни, кам захарли моддалар асосида синтез қилиш ва улардан самарали фойдаланиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Ёўзанинг физиологик жараёнларини тезлаштирувчи, барглар тўкилиши ва кўсаклар пишиб етилиб очилишини таъминловчи дефолиантларни ишлаб чиқариш бўйича тадқиқотларни амалга оширишда пахта тозалаш заводи чиқиндисининг азот кислотали экстрактларини моноэтанолламин ёки аммиак билан нейтраллаб олинган физиологик фаол моддаларни тутган хлоратли дефолиантларни синтез қилиш, синтез қилинган дефолиантларни тузилиши, реологик хоссалари ва хусусиятларини замонавий физик-кимёвий усулларда аниқлаш, дефолиантларнинг олиниш технологиясини ишлаб чиқиш, экологик-токсикологик хоссаларини тадқиқ этиш ва уларни ғўзада дефолиацияловчи фаоллигини аниқлаш кабилар долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги

ПФ-4707-сон «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чоратadbирлари дастури тўғрисида»ги ва 2017 йил 2 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.¹ Органик ва ноорганик дефолиантларни олиш ва уларнинг физиологик хусусиятларини яхшилашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи халқаро илмий марказлари ҳамда олий таълим муассасалари, жумладан Department of Aerospace Engineering and Mechanics, University of Tennessee Institute of Agriculture, University of California (АҚШ), Chinese Academy of Agricultural Sciences, Guangdong Provincial Laboratory of Green Chemical Technology, South China University of Technology (Хитой), University of Cordoba (Испания), Indian Council of Agricultural Research (Ҳиндистон), Australian Cotton Research Institute (Австралия), Cotton Research Institute in Multan and Islamabad (Покистон), «ФосАгро-Череповец» АЖ қошидаги Ўғитлар ва инсектофунгицидлар илмий-тадқиқот институти (Россия) ҳамда ЎЗР ФА Умумий ва ноорганик кимё институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Комплекс таъсир этувчи дефолиантлар олиш ва қўллаш соҳасида жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ғўза кўсақларини очилишини ва барглارни тўкилишини тезлаштирувчи, таъсир этувчи моддаси 2-хлорэтилфосфон кислотаси ($\text{ClCH}_2\text{CH}_2\text{P}(\text{OH})_2\text{O}$) бўлган Этрел, Pyraflufen-ethyl, Finish-6, Folex-6ES препаратлари ишлаб чиқилган (Department of Aerospace Engineering and Mechanics, University of California, АҚШ); физиологик хоссаларни яхшиловчи дропп препаратининг таъсир этувчи моддаси – тидиазурон синтез қилинган («Shering» илмий маркази, Германия); бирвақтнинг ўзида баргларнинг тўкилиши ҳамда бегона ўтларни йўқотишга хизмат қиладиган Pre-Harvest Defoliant Hydrogen Cyanamide (25%SL, 30%SL) ва Price Preferential Plant Growth Regulator Cyanamide (30%SL, 50%SL) препаратлари ишлаб чиқилган (South China University of Technology, Хитой); этилен ҳосил

¹Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <https://chem.iitm.ac.in>, <https://en.ustc.edu.cn>, <https://www.fipr.state.fl.us>, <https://www.dobersek.com>, <https://www.ichp.pl>, <https://www.csj.jp>, <https://dmpe.aut.ac.ir>, <https://www.niuiif.ru>, <https://www.ionx.uz> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

қилувчи юқори молекуляр бирикма полигексаметиленгуанидин асосида дефолиант ишлаб чиқилган («ФосАгро-Череповец» АЖ, Россия).

Дунёда органик ва ноорганик бирикмалар асосида самарали дефолиацияловчи ва стимуляторлик фаолликга эга дефолиантлар олиш ва қўллашнинг устувор йўналишлари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: цианамидлар, хлоратлар, хроматлар, бихроматлар, йодидлар ва боридлар асосида ноорганик препаратлар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш; тиоэфирлар, полисульфидлар, метилкаптакис, гидразин ҳосилаларини синтез қилиш; альдегидлар ва уларнинг ҳосилалари, фосфорорганик ва гетероциклик бирикмалар асосида олдиндан белгиланган хусусиятларга эга бўлган органик препаратлар олиш; оксикарбон кислоталар, моноэтанолламин, аммиак асосида физиологик фаолликка эга бўлган моддалар олиш технологиясини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Органик ва ноорганик моддалар асосида дефолиантлар олиш бўйича ишлар адабиётларда кенг ёритилган. Ўзбекистонда Набиев М.Н. раҳбарлигида ноорганик моддалар технологияси ихтисослиги бўйича илмий мактаб яратилиб, С.Тухтаев, Б.М.Беглов, Б.С.Закиров, Ш.С.Намазов, Х.Кучаров, С.М.Тажиев, М.К.Аскарлова, А.Х.Нарходжаев, А.У.Эркаев, З.Исабаев ва бошқа намоёндалари дефолиантлар, минерал ўғитлар синтез қилиб, кимё-технология фанининг ривожига ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшган. А.И.Имамалиев, Т.С.Закиров, Н.Н.Мельников, А.М.Пругалов, Л.Д.Стонов, К.Е.Овчаров, Н.Ф.Зубкова, Р.С.Назаров, Ш.Ж.Тешаев, Ф.Х.Хошимов, Ф.Ж.Тешаев каби етакчи олимлар ғўза дефолиацияси самарадорлигига турли ташқи омиллар ва агротехник тадбирларнинг таъсирини ўрганган ва улар ҳозирги вақтга келиб соҳа ривожининг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Дунёда Jayms Cost, Loston Rowe, J. Dan Smit, Ch.S. Wulyams, J.C. Suttle, F.R.H. Katterman, W.C. Hall, L.C. Brown, C.L. Rhyne, Yo Gan каби олимлар органик моддалар асосида дефолиантлар олиш ва ишлаб чиқариш технологияларини яратиш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борган.

Шуни қайд этиш лозимки, юқорида қайд этилган олимлар томонидан натрий, магний хлоратлари, моноэтанолламин ва этилен ҳосил қилувчи моддалар асосида янги дефолиантлар олиш технологиясини яратиш бўйича ҳозирга қадар илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Ушбу диссертация ишида натрий ва магний хлоратлари, моноэтанолламин, ҳамда этилен ҳосил қилувчи моддалар асосида, кам захарли, комплекс таъсир этувчи дефолиантларни олиш ва қўллаш муаммоси, ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўз ечимини топган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг А6-108 «Маҳаллий хом ашё асосида комплекс таъсир этувчи, самарадорли дефолиант синтези ва олиниш технологиясини илмий асосларини ишлаб чиқиш» (2006-2008 йй.), 2009-2011 йилларда Давлат илмий-техникавий дастурига кирган ФА-А6-ТО72 «Физиологик фаол

хусусиятга эга, юқори самарадорли, кам захарли янги дефолиантларни технологиясини ишлаб чиқиш ва қўллаш» ва 2014-2015 йилларда Давлат инновацион дастурига кирган 7-ФА-1-20105 «Комплекс таъсир этувчи, дефолиациялаш фаоллигига эга, ҳамда ғўза кўсагини етилиши ва очилишини тезлаштиришга ёрдам берувчи дефолиантларни тажриба-саноатида ишлаб чиқариш» мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади натрий хлоратнинг учкарбамиди, магний хлорати ва уксус, нитрат, лимон кислоталарининг моноэтанолламинли тузлари, ҳамда этилен ҳосил қилувчи моддалар асосида комплекс таъсир этувчи ғўза дефолиантларини олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

натрий хлоратнинг учкарбамиди, магний хлорати, нитрат, уксус, лимон кислоталарининг моноэтанолламинли ва аммонийли тузларидан ташкил топган сувли системларнинг ўзаро эрувчанлиги ва эритмаларнинг реологик хоссаларини кенг ҳарорат ва концентрация оралиғида тадқиқ этиш;

янги қаттиқ фазаларни ҳосил бўлиш майдонларини ҳарорат ва концентрацияга боғлиқ ҳолда чегаралаш, таркибини аниқлаш, уларни идентификациялаш;

пахта тозалаш заводи чиқиндисини нитрат кислотаси билан экстракция қилиб концентрат олиш, сўнгра аммиак ёки моноэтанолламин билан нейтраллаш жараёнини мақбул технологик кўрсаткичларини ўрнатиш;

дефолиантлар олиш жараёнини физик-кимёвий асослаш учун, магний хлорат, карбамид, аммоний нитрат, ацетат моноэтанолламин ва этилен ҳосил қилувчи моддалар асосидаги системаларнинг эрувчанлигини ва «таркиб-хосса» ларини ўрганиш;

маҳаллий хом ашёлар магний, натрий хлоратлари, карбамид, аммоний нитрат, ПТЗЧАзКЭларидан фойдаланиб, янги комплекс таъсир этувчи дефолиантларни олиш жараёнининг мақбул шароитларини аниқлаш;

янги дефолиантлар олиш жараёнининг моддий балансини тузиш, технологик схемасини таклиф этиш, лаборатория ва саноат тажриба намуналарини ишлаб чиқариш;

олинган дефолиантларни кимёвий ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш, уларни ғўзанинг кичик ва катта дала майдонларида агрокимёвий синовлардан ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти натрий, магний хлоратлари, карбамид, аммоний нитрат, уксус, нитрат, лимон кислоталари, лимон кислотасининг димоноэтанолламинли, лимон кислотасининг аммонийли тузлари, ацетат моноэтанолламин, нитрат моноэтанолламин, пахта тозалаш заводи чиқиндиси, (КАзКЭОХОЗ) физиологик фаол модда ва этанол.

Тадқиқотнинг предмети пахта тозалаш заводи чиқиндисини нитрат кислота билан экстракция қилиш, физиологик фаол модда олиш, мавжуд магний ва натрий хлоратлари таркибига физиологик фаол моддалар ва этилен ҳосил қилувчи моддаларни қўшиш орқали, янги самарадор, кам захарли, юмшоқ таъсир этувчи дефолиантлар олиш жараёнларини илмий асослаш.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда визуал-политермик, пикнометрли, изомоляр, аналитик, термик, ИҚ – спектр ва рентгенфаза таҳлил усулларидан фойдаланилган. Визкозиметр ВПЖ ёрдамида эритманинг қовушқоқлиги текширилди, рН ни аниқлашда METTLER TOLEDO FE 20/ FG 2 рН метрда ва синдириш кўрсаткичини БМ модели ИРФ 454 рефрактометрида аниқланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сув, магний, натрий хлоратлари, карбамид, лимон кислотанинг димоноэтоноламинли, лимон кислотанинг аммонийли тузлари, нитрат моноэтанолламин, ацетат моноэтанолламин ва этилен ҳосил қилувчи моддалар иштирокидаги системаларнинг эрувчанлиги, «таркиб-хосса» ва политермик эрувчанлик диаграммалари яратилган;

диаграммаларда қаттиқ фазалар концентрация ва ҳароратга боғлиқ ҳолда кристалланиш майдонлари чегараланди, тўртта янги бирикма ажратиб олиниб, кимёвий ва физик-кимёвий усулларда таҳлил қилинган ва мавжудлиги исботланган;

пахта тозалаш заводи чиқиндисини азот кислотаси ёрдамида экстракция қилиш жараёнининг мақбул технологик кўрсаткичлари аниқланган, унга кўра азот кислотасининг концентрацияси 20%, чиқиндини кислотага нисбати 1:10, жараёндаги ҳарорат 50 °С, лимон кислотасининг эритмага ўтиш даражаси 4,25% лиги исботланган;

магний хлорати, натрий хлоратининг учкарбамиди ва физиологик фаол моддалар асосида комплекс таъсир этувчи дефолиантлар олиш технологияси ишлаб чиқилган;

олинган «ЎзДЕФ» дефолиантининг таркиби кимёвий ва физик-кимёвий усулларда таҳлил қилинган, унга кўра «ЎзДЕФ» дефолианти таркибида 32% $Mg(ClO_3)_2$, 10% $CO(NH_2)_2$, 1,5% NH_4NO_3 ва 0,3% АМЭА сақлаши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

янги «ЎзДЕФ», «ЎзДЕФ-К» дефолиантларини ишлаб чиқаришнинг моддий баланси ва технологик схемаси ишлаб чиқилди, ҳамда жараённинг мақбул меъёрлари таклиф этилди;

«ЎзДЕФ» дефолиантининг тажриба-саноат намунасини ишлаб чиқариш учун Ts 00203855-43:2014 техник шартлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди;

2009-2016 йиллар давомида «Фарғонаазот» АЖ тажриба-саноатида 10 минг тоннадан зиёд «ЎзДЕФ» дефолианти ишлаб чиқарилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Фойдаланилган кимёвий (аналитик кимё) ва физик-кимёвий (рентгенфаза, ИҚ-спектр, визуаль-политермик) таҳлил натижалари, тажриба-саноат қурилмаларида синовдан ўтганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бора таркибида натрий хлоратининг учкарбамиди, магний хлорати, лимон кислотанинг димоноэтоноламинли, лимон кислотанинг аммонийли тузлари, нитрат моноэтанолламин, ацетат моноэтанолламин ва этилен ҳосил қилувчи моддалар бўлган мураккаб сув-туз

системаларда эритмаларнинг реологик хоссалари ва эрувчанлиги тўғрисида маълумотлар олинганлиги билан тасдиқланади. Компонентларнинг ўзаро таъсири ўрганилди ва 4 та янги бирикмалар ҳосил бўлиши аниқланди. Олинган натижалар ушбу йўналишдаги методологик-услубий ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти магний, натрий хлоратлари, карбамид, лимон кислотанинг димоноэтоноламинли, лимон кислотанинг аммонийли тузлари, нитрат моноэтанолламин, ацетат моноэтанолламин ва этилен ҳосил қилувчи моддалар асосида самарадорли, комплекс таъсир этувчи, хлорат тутган янги дефолиантлар тавсия этилди, уларларнинг олиниш технологияси ва мақбул технологик меъёрлари ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Магний хлорати, карбамид, аммоний нитрат, ацетат моноэтанолламин ва этилен ҳосил қилувчи бирикмалардан, комплекс таъсир этувчи дефолиантлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«ЎЗДЕФ» ва «ЎЗДЕФ-К» дефолиантлари Ўзбекистон Республикаси Давлат кимё комиссияси томонидан қишлоқ хўжалигида қўллаш учун рўйхатга олинган: ғўзани сифатли дефолиацияловчи «ЎЗДЕФ» дефолианти (2008 йил 18 январдаги №1А082 рақамли маълумотнома); кўсақларни пишиб этилиб очилишини таъминловчи «ЎЗДЕФ-К» дефолианти (2016 йил 18 октябрдаги №1А1168 рақамли маълумотнома). Ушбу препаратларни ўрта толали ғўза навларига 50–60% кўсақлар очилганда, дефолиант сифатида 6,0–7,0 л/га миқдорда қўллаш тавсия этилди;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан атроф-муҳит муҳофазаси ва аҳоли соғлиғини сақлаш бўйича услубий тавсияномаси тасдиқланган (27.01.2016 йил, №012-3/0286). Натижада «ЎЗДЕФ-К» дефолиантининг ўткир захарлилик кўрсаткичи IV синфга мансублиги ҳамда фақат тери қатламларига ўта кучсиз таъсир этиш имконини берган;

янги «ЎЗДЕФ» дефолиантини олиш технологияси «Farg'onaazot» акционерлик жамиятида амалиётга татбиқ этилиб, янги турдаги юқори самарали 10481,365 тонна дефолиант олинган («Ўзкимёсаноат» акционерлик жамиятининг 2017 йил 15 августдаги 01/3-4335/П-сон маълумотномаси). Натижада ғўза баргларининг тўкилишини ва кўсақларнинг пишиб очилишини тезлаштирувчи дефолиант, ҳозирда ишлатилаётган суюқ магний хлорат дефолиантига нисбатан пахтадан 1,8–2,2 ц/га ортиқ ҳосил олиш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 4 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та

мақола, жумладан, 11 таси Республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда 1 та ихтирога патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 181 бетни ташкил этган.

ДИСЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Республикамиз фан ва технологияси тарақиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижалари амалиётга жорий қилинган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Вўза дефолиациясининг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи, шунингдек органик ва ноорганик бирикмалар асосида пахтачиликда дефолиантлар олиш ва қўллашнинг муаммолари келтирилган. Хлорат тутган дефолиантларнинг олиниш технологиялари ва усуллари алоҳида кўриб чиқилган. Илмий адабиётлар шарҳида физиологик фаол хоссани сақлаган, самарадор дефолиантларнинг олиниши ва амалиётда қўлланиш ҳолати таҳлил қилинган. Маҳаллий хом-ашёлар натрий, магний хлоратлари, карбамид, физиологик фаол ва этилен ҳосил қилувчи моддалар асосида комплекс таъсир этувчи ғўза дефолиантларини олиниш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар мажмуаси батафсил ва чуқур танқидий таҳлил қилинган ҳолда мазкур ишнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг «**Натрий хлоратнинг учкарбамиди, магний хлорати ва лимон, уксус, нитрат кислоталарининг моноэтанолламинли, лимон кислотасининг учаммонийли тузлари асосида дефолиантлар олишнинг физик-кимёвий асосларини тадқиқ этиш**» деб номланган иккинчи бобида комплекс таъсир этувчи дефолиантларни олиш жараёнининг физик-кимёвий асослаш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган. Бунинг учун натрий хлоратининг учкарбамиди, магний хлорати, уксус, нитрат, лимон кислоталарининг моноэтанолламинли тузлари ва лимон кислотасининг уч аммонийли тузларидан таркиб топган учламчи сувли системаларнинг эрувчанлиги ва реологик хоссалари ўрганилган.

$\text{NaClO}_3 \cdot 3\text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{CH}_3\text{COOH} \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{H}_2\text{O}$ системада компонентларнинг эрувчанлиги тўққизта ички кесмлар ёрдамида ўрганилган. Бинар системалар ва ички кесмлар маълумотлари асосида $\text{NaClO}_3 \cdot 3\text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{CH}_3\text{COOH} \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{H}_2\text{O}$ системасининг политемик эрувчанликги $-56,0$ дан 50 °C гача оралиғида ўрганилди (1 жадвал).


Системада янги бирикма $\text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{CH}_3\text{COOH} \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$ ҳосил бўлиши аниқланди, у кимёвий ва физик-кимёвий усулларда таҳлил қилиниб мавжудлиги тасдиқланди. Ренгеннофаза таҳлил натижасидан кўринадики,

янги бирикма $\text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{CH}_3\text{COOH} \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$ таркиби текисликлар оралиғидаги масофаларнинг ўзига хос хоссалари, унинг индивидуаллигини тасдиқлайди (расм 1).

1-жадвал

$\text{NaClO}_3 \cdot 3\text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{CH}_3\text{COOH} \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{H}_2\text{O}$
системасининг иккиламчи ва учламчи нукталари

Суюқ фаза таркиби, %			Кр.х. °C	Қаттиқ фаза
$\text{NaClO}_3 \cdot 3\text{CO}(\text{NH}_2)_2$	$\text{CH}_3\text{COOH} \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$	H_2O		
46,0	-	54,0	-18,0	$\text{Mg} + \text{CO}(\text{NH}_2)_2$
13,8	50,4	35,8	-56,0	$\text{Mg} + \text{CO}(\text{NH}_2)_2 + \text{CH}_3\text{COOH}$
9,6	51,6	38,8	-53,2	$\text{Mg} + \text{CH}_3\text{COOH}$
12,8	52,4	34,8	-48,0	$\text{CO}(\text{NH}_2)_2 + \text{CH}_3\text{COOH}$
11,2	62,0	26,8	-42,8	$\text{CO}(\text{NH}_2)_2 + \text{CH}_3\text{COOH} + \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{CH}_3\text{COOH} \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$
5,8	75,2	19,0	-32,8	$\text{CH}_3\text{COOH} + \text{CH}_3\text{COOH} \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} + \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{CH}_3\text{COOH} \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$
5,0	75,4	19,6	-30,6	$\text{CH}_3\text{COOH} + \text{CH}_3\text{COOH} \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$
5,2	80,0	14,8	-15,1	$\text{CH}_3\text{COOH} \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} + \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{CH}_3\text{COOH} \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$
52,8	46,8	0,4	18,0	$\text{NaClO}_3 \cdot 3\text{CO}(\text{NH}_2)_2 + \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{CH}_3\text{COOH} \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$
48,2	46,0	5,8	3,2	$\text{NaClO}_3 \cdot 3\text{CO}(\text{NH}_2)_2 + \text{CO}(\text{NH}_2)_2 + \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{CH}_3\text{COOH} \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$
45,8	45,6	8,6	1,4	$\text{CO}(\text{NH}_2)_2 + \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{CH}_3\text{COOH} \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$
74,6	-	25,4	27,8	$\text{NaClO}_3 \cdot 3\text{CO}(\text{NH}_2)_2 + \text{CO}(\text{NH}_2)_2$




1-расм. Янги бирикма $\text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{CH}_3\text{COOH} \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$ рентгенограммаси.

$\text{Mg}(\text{ClO}_3)_2 \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{HNO}_3 \cdot \text{H}_2\text{O}$ система еттига ички кесмлар ёрдамида ўрганилди. Бинар системалар ва ички кесмларнинг политемик эрувчанлиги асосида политемик диаграммасини тўла музлаш ҳарорати -57,2

дан 30°C гача ораликда қурилди. Ўрганилган система оддий эвтоник типга мансуб бўлиб, дастлабки моддалар ўзининг индивидуаллигини ва физиологик фаоллигини сақлайди.

Натрий хлоратининг учкарбамиди, лимон кислотанинг иккимоноэтанламини, лимон кислотанинг уч аммонийларидан иборат сувли системаларда компонентларнинг эрувчанлиги ўрганилди, уларда янги кимёвий бирикмалар ҳосил бўлмади ва системалар оддий эвтоник типга мансублиги аниқланган. Бу системалар компонентлари ўзининг индивидуаллигини ва физиологик фаоллигини сақлайди.

$Mg(ClO_3)_2-2NH_2C_2H_4OH \cdot H_3C_6H_5O_7-H_2O$ системада компонентларнинг эрувчанлиги тўққизта ички кесмлар ёрдамида ўрганилди. Бинар системалар ва ички кесмларнинг политермик эрувчанлиги асосида системанинг политермик диаграммаси -59,4 дан 20°C гача ораликда қурилди (расм 2).



2-расм. $Mg(ClO_3)_2-2NH_2C_2H_4OH \cdot H_3C_6H_5O_7-H_2O$ система эрувчанлигининг диаграммаси.

Эрувчанлик диаграммасидан кўринадики, системада концентрация ва ҳарорат оралиғида янги бирикма таркиблари ҳосил бўлди: $[НОС(CH_2COOMg)_2 \cdot COOH \cdot 4H_2O]_n$, $[НОС(CH_2COOH)_2 \cdot COOMg \cdot 2H_2O]_n$, янги бирикмаларнинг индивидуаллиги кимёвий ва физик-кимёвий усулларда таҳлил қилинди.

$[НОС(CH_2COOH)_2 \cdot COOMg \cdot 2H_2O]_n$ ва $[НОС(CH_2COOMg)_2 \cdot COOH \cdot 4H_2O]_n$ таркибли бирикмаларнинг кристалланиш майдонларидан ажратиб олинган қаттиқ фазалар кимёвий таҳлил қилинди, сўнгра натижалари қуйидаги 2-жадвалда келтирилди.


Бир алмашган ва икки алмашган магний цитрат $[НОС(CH_2COOH)_2 \cdot COOMg \cdot 2H_2O]_n$ ва $[НОС(CH_2COOMg)_2 \cdot COOH \cdot 4H_2O]_n$ бирикмаларининг қиздириш эгри чизиғида мос равишда, учта ва иккита эндотермик ва иккитадан экзотермик эффектлар кузатилди (расм 3). Эндотермик эффектларда модда массаларининг юқолиши кузатилди, бу эса,

сув молекулаларини камайишига тўғри келади, экзоэффектларда эса парчаланиш довом этади ва маҳсулотни ёниб кетиши термоллиз билан характерланади.

2-жадвал

Ажратиб олинган бирикмаларнинг кимёвий таҳлил натижалари

Бирикма №	Таҳлил усули	Элементлар миқдори, масс. %:			Бирикмалар формуласи
		С	Н	MgO	
1	Топилган	28,65	4,28	15,6	-
	Ҳисобланган	28,85	4,32	15,9	$[\text{НОС}(\text{CH}_2\text{COOH})_2 \cdot \text{COOMg} \cdot 2\text{H}_2\text{O}]_n$
2	Топилган	23,0	4,4	25,5	-
	Ҳисобланган	23,22	4,45	25,8	$[\text{НОС}(\text{CH}_2\text{COOMg})_2 \cdot \text{COOH} \cdot 4\text{H}_2\text{O}]_n$




3-расм. Бирикмаларнинг термик таҳлил диаграмаси:
 1- $[\text{НОС}(\text{CH}_2\text{COOH})_2 \cdot \text{COOMg} \cdot 2\text{H}_2\text{O}]_n$; 2 - $[\text{НОС}(\text{CH}_2\text{COOMg})_2 \cdot \text{COOH} \cdot 4\text{H}_2\text{O}]_n$.

Магний хлорат, нитрат моноэтаноламин ва лимон кислотанинг уч аммонийдан ташкил топган системалар ўрганилди, системаларда янги кимёвий бирикмалар ҳосил бўлмади, компонентлар ўзининг индивидуаллигини ва физиологик фаоллигини сақлаб қолди. Ўрганилган системалар оддий эвтоник типга мансуб.

$\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 \cdot 2\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{H}_3\text{C}_6\text{H}_5\text{O}_7 \cdot \text{H}_2\text{O}$ системаси саккизта ички кесмлар ёрдамида ўрганилди (расм-4). Улардан I-V томони лимон кислотанинг димоноэтаноламини – сувга, $\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ қўшиб борилди, VI-VIII томонларида эса кальций хлорат – сувга, $2\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{H}_3\text{C}_6\text{H}_5\text{O}_7$ қўшиб борилди.

Кальций хлорат - лимон кислотанинг иккимоноэтаноламини – сув системаси бинар системалар ва ички кесимлар ёрдамида $-43,6$ дан $40,0$ °C гача ораликда эрувчанлик диаграммаси қурилди, унда қуйидаги кристалланиш майдонлар чегараланди: муз, олти-, тўрт- ва икки сувли кальций хлорат, бир сувли, сувсиз лимон кислотанинг иккимоноэтаноламини ва янги фаза $(\text{C}_6\text{H}_5\text{O}_7)_2\text{Ca}_3 \cdot 4\text{H}_2\text{O}$, янги фаза кристалл ҳолда ажратиб олиниб, кимёвий ва физик-кимёвий усулларда таҳлил қилиниб мавжудлиги тасдиқланди.




4-расм. $\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2\text{-}2\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}\cdot\text{H}_3\text{C}_6\text{H}_5\text{O}_7\text{-H}_2\text{O}$ системанинг эрувчанлик диаграммаси.

Диссертациянинг «Пахта тозалаш заводи чиқиндисини (ПТЗЧ) нитрат кислотаси билан экстракция қилиш ва натрий хлоратнинг учкарбамиди, магний хлорати ва ПТЗЧни нитрат кислотали экстрактини моноэтанолламин ёки аммиак билан нейтраллаб олинган концентрати асосида дефолиантлар олиш жараёнини тадқиқ этиш» деб номланган учинчи бобда ПТЗЧни нитрат кислота билан экстракция қилиш ва экстракция маҳсулотини моноэтанолламин ёки аммиак билан нейтраллаш ва улар асосида янги дефолиантлар олиш жараёнларининг тадқиқот натижалари келтирилган.

ПТЗЧни нитрат кислотанинг турли концентрацияларида ($\text{HNO}_3 = 15,0; 20,0; 40,0$ и $45,0$ %), Қ:С = 1:5; 1:10 ва 1:15 нисбатларда, $25 \div 50^\circ\text{C}$ ҳароратларда, вақтга боғлиқ ҳолда экстракция жараёни ўрганилди расм 5.

Экстракция маҳсулотини моноэтанолламин билан рН муҳити 7,0 гача нейтраллаш жараёни ўрганилди. Бунда лимон кислотасининг икки моноэтанолламини ва нитрат моноэтанолламин ҳосил бўлиши аниқланди. Буғлатишнинг оптимал ҳарорати 100°C эканлиги аниқланди. 30 минут давомида 58,0%-ли (КАЗКЭОХОЗ_{МЭА}) концентрат эритмаси ҳосил бўлади. Олинган маҳсулот - КАЗКЭОХОЗ_{МЭА} тўқ жигар рангли оқувчан масса кристалланиш ҳарорати $12,5^\circ\text{C}$, солиштирма зичлиги $1,228 \text{ г/см}^3$, қовушқоқлиги $7,945 \text{ мм}^2/\text{с}$ ва рН муҳити 7,0.

Кислотали экстрактни аммиак билан нейтраллаш жараёни рН муҳити 7,0 гача ўрганиш асосида лимон кислотанинг учаммонийли ва нитрат кислотанинг аммонийли тузлари ҳосил бўлиши аниқланди. Оптимал 100°C ҳароратда, 33 минут давомида буғлатилганда 56,0%-ли (КАЗКЭОХОЗ_{АММ}) концентрат эритмаси ҳосил бўлади. Олинган маҳсулот - КАЗКЭОХОЗ_{АММ} тўқ жигар рангли оқувчан масса, кристалланиш ҳарорати $2,5^\circ\text{C}$, солиштирма зичлиги $1,219 \text{ г/см}^3$, қовушқоқлиги $5,680 \text{ мм}^2/\text{с}$ ва рН муҳити 6,9-7,0.




5-расм. ПТЗЧни нитрат кислота ёрдамида экстракция қилганда лимон кислотанинг ажралишини ҳароратга, Қ:С нисбатга ва кислотанинг концентрациясига боғлиқлиги: А - 25 °С ҳароратда; Б - 50 °С ҳароратда.

Ғўза ҳосилини пишиб етилишини тезлаштирувчи, комплекс таъсир этувчи дефолиантлар олиш жараёнини асослаш мақсадида қуйидаги системаларда эритмаларнинг физик-кимёвий хоссалари ўрганилди. Ўрганилган системада эритмаларнинг кристалланиш ҳарорати, қовушқоқлиги, зичлиги, рН муҳити ва синдириш кўрсаткичларнинг компонентлар нисбатига боғлиқлиги аниқланди. Олинган маълумотлар асосида $[70\%NaClO_3 \cdot 3CO(NH_2)_2 + 30\%H_2O]$ -КАЗКЭОХОЗ_{МЭА} системанинг «таркиб-хосса» диаграммаси қурилди (жадвал 3 ва расм 6).

3-жадвал

$[70\%NaClO_3 \cdot 3CO(NH_2)_2 + 30\%H_2O]$: КАЗКЭОХОЗ_{МЭА} система эритмаларининг физик-кимёвий хоссалари

дефол. Тарк. Нуктаси	Эритма таркиби, %			Қр.х., °С	Зичлик г/см ³	Қовушқоқлик мм ² /с	рН	Нисбат С ₀ :К
	ТКХН	КАЗКЭОХОЗ _{МЭА}	сув					
С ₀	70,0	0	30,0	19,8	1,3360	2,8281	7,15	-
К ₁	69,93	0,1	29,97	19,7	1,3359	2,8296	7,12	1:0,001
К ₂	69,86	0,2	29,94	19,6	1,3358	2,8333	7,12	1:0,002
К ₃	69,79	0,3	29,91	19,4	1,3357	2,8456	7,10	1:0,003
К ₄	69,72	0,4	29,88	19,3	1,3356	2,8588	7,10	1:0,004
К ₅	69,65	0,5	29,85	19,2	1,3355	2,8591	7,08	1:0,005
К ₆	69,58	0,6	29,82	19,0	1,3354	2,8599	7,08	1:0,006
К ₇	69,51	0,7	29,79	18,9	1,3353	2,8908	7,06	1:0,007
К ₈	69,44	0,8	29,76	18,8	1,3352	2,8613	7,04	1:0,008
К ₉	69,37	0,9	29,73	18,7	1,3351	2,8678	7,02	1:0,009
К ₁₀	69,30	1,0	29,70	18,5	1,3350	2,8730	7,0	1:0,010



6-расм. $[70\%NaClO_3 \cdot 3CO(NH_2)_2 + 30\%H_2O]:КАзКЭОХОЗ_{Амм}$ масса нисбатда олинган эритмаларнинг кристалланиш ҳарорати (1), зичлиги (2), қовушқоқлиги (3) ва pH муҳити ўзгаришига боғлиқлиги.

Юқорида келтирилган маълумотлар ва турли миқдорларда қўлланилган дефолиантларнинг агрокимёвий синов натижалари асосида, дефолиант таркиблари таклиф этилди, унда компонентларнинг масса нисбатлари қуйидагича:

$$[70\%NaClO_3 \cdot 3CO(NH_2)_2 + 30\%H_2O]:КАзКЭОХОЗ_{МЭА} = 1:0,0041$$

$$[70\%NaClO_3 \cdot 3CO(NH_2)_2 + 30\%H_2O]:КАзКЭОХОЗ_{Амм} = 1:0,0034$$

Олинган эритмалар яхши физик-кимёвий хоссага эга ва ўзига хос тиниқ бир жинсли, бироз сариқ тусли сууқликдир.

Магний хлорати ва физиологик фаол моддалар - $КАзКЭОХОЗ_{МЭА}$ ва $КАзКЭОХОЗ_{Амм}$ асосида комплекс таъсир этувчи, ғўза ҳосилини пишиб етилишини тезлаштирувчи дефолиантлар олиш жараёнини асослаш мақсадида, $\{45\%[79\%Mg(ClO_3)_2 + 21\%MgCl_2] + 55\%H_2O\}$ - $КАзКЭОХОЗ_{МЭА}$ системасида эритмаларнинг физик-кимёвий хоссалари ўрганилди.


Ўрганилган системада эритмаларнинг кристалланиш ҳарорати, қовушқоқлиги, зичлиги, pH муҳити ва синдириш кўрсаткичини компонентлар нисбатига боғлиқлиги аниқланди. Олинган маълумотлар асосида бу системанинг «таркиб-хосса» диаграммаси қурилди (расм 7 ва жадвал 4).

Юқорида келтирилган маълумотлар ва турли миқдорда қўлланилган дефолиантларнинг агрокимёвий синов натижалари асосида, дефолиант таркиблари таклиф этилди, унда компонентларнинг масса нисбатлари қуйидагича:

$$45\%[79\%Mg(ClO_3)_2 + 21\%MgCl_2] + 55\%H_2O:КАзКЭОХОЗ_{МЭА} = 1:0,0036$$

$$45\%[79\%Mg(ClO_3)_2 + 21\%MgCl_2] + 55\%H_2O:КАзКЭОХОЗ_{Амм} = 1:0,0030$$

Олинган эритмалар яхши физик-кимёвий хоссага эга ва ўзига хос тиниқ бир жинсли, бироз сариқ тусли эритмалигини кўрсатди.



7-расм. {45% [79% $Mg(ClO_3)_2$ +21% $MgCl_2$]+55% H_2O }:КАЗКЭОХОЗ_{МЭА} масса нисбатда олинган эритмаларнинг кристалланиш харорати (1), зичлиги (2), ковшуққоқлиги (3), рН мухити (4) ва синдириш кўрсаткичига (5) ўзгаришига боғлиқлиги.

4-жадвал

45% [79% $Mg(ClO_3)_2$ +21% $MgCl_2$]-КАЗКЭОХОЗ_{АММ} система эритмаларининг физик-кимёвий хоссалари


№	Суюқ фаза таркиби, масс. %			рН	η , мм ² /с	d, г/см ³	n _D	Кр.х., °С
	45% [79% $Mg(ClO_3)_2$ +21% $MgCl_2$]	Сув	КАЗКЭ ОХОЗ нейтр. NH ₃					
C ₀	45,0	55,0	-	6,65	2,668	1,3961	43,10	3,0
C ₁	44,93	54,93	0,1	6,65	2,672	1,3959	43,11	2,75
C ₂	44,83	54,79	0,2	6,65	2,679	1,3957	43,12	2,5
C ₃	44,65	54,58	0,3	6,66	2,680	1,3955	43,14	2,0
C ₄	44,58	54,48	0,4	6,66	2,682	1,3953	43,16	1,5
C ₅	44,41	54,27	0,5	6,66	2,683	1,3951	43,17	1,2
C ₆	44,24	54,08	0,6	6,66	2,684	1,3949	43,18	1,0
C ₇	44,16	53,97	0,7	6,66	2,686	1,3948	43,19	0,8
C ₈	43,98	53,76	0,8	6,67	2,689	1,3945	43,21	0,5
C ₉	43,72	53,44	0,9	6,67	2,690	1,3942	43,23	0,2
C ₁₀	43,36	52,99	1,0	6,67	2,692	1,3939	43,25	0

Ўрганилган системалар: $NaClO_3 \cdot 3CO(NH_2)_2 \cdot NH_2C_2H_4OH \cdot HNO_3 \cdot H_2O$, $NaClO_3 \cdot 3CO(NH_2)_2 \cdot 2H_2NC_2H_4OH \cdot H_3C_6H_5O_7 \cdot H_2O$, $NaClO_3 \cdot 3CO(NH_2)_2 \cdot C_6H_{17}O_7N_3 \cdot H_2O$, $Mg(ClO_3)_2 \cdot NH_2C_2H_4OH \cdot HNO_3 \cdot H_2O$, $Mg(ClO_3)_2 \cdot 2H_2NC_2H_4OH \cdot H_3C_6H_5O_7 \cdot H_2O$, $Mg(ClO_3)_2 \cdot C_6H_{17}O_7N_3 \cdot H_2O$, ҳамда ўрганилган «таркиб-хосса» системаларининг диаграммалари таҳлил натижалари, куйидаги таркибли [70% $NaClO_3 \cdot 3CO(NH_2)_2$ +30% H_2O], КАЗКЭОХОЗ_{МЭА} ёки КАЗКЭОХОЗ_{АММ} ва магний хлорат-хлориди, КАЗКЭОХОЗ_{МЭА} ёки КАЗКЭОХОЗ_{АММ} комплекс таъсир этувчи суюқ дефолиантлар олишнинг технологик схемасини таклиф этиш учун асос бўлди.

Технологик жараённинг асосий босқичлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 20%-ли нитрат кислота эритмасини тайёрлаб олиш;
- пахта тозалаш заводи чиқиндисини ва уни экстракция қилувчичи 20%-ли нитрат кислотасини $K:C=1:10$ нисбатда экстракторга юклаш;
- экстрактдан ПТЗЧни эримай қолган қисмини фильтр-прессда филтрлаш ёки центрифуга ёрдамида ажратиб олиш;
- олинган кислотали экстрактни моноэтаноламин ёки аммиак билан $pH=7,0$ гача нейтраллаш;
- моноэтаноламин ёки аммиак билан нейтралланган экстрактларни ортиқча намлигини буғлатиш;
- реакторга суюқ магний хлорат дефолианти ёки 70%-ли натрий хлоратининг учқарбамид эритмасини юклаш;
- реакторга $KAzKЭOXOЗ_{MЭA}$ ёки $KAzKЭOXOЗ_{AMM}$ юклаш;
- суюқ магний хлорат дефолианти ёки 70%-ли натрий хлоратнинг учқарбамид эритмасида $KAzKЭOXOЗ_{MЭA}$ ёки $KAzKЭOXOЗ_{AMM}$ эритиш;
- тайёр маҳсулотни жойлаш ва қадоқлаш.

Суюқ магний хлорат дефолианти ёки 70%-ли натрий хлоратнинг учқарбамиди эритмасига $KAzKЭOXOЗ_{MЭA}$ ёки $KAzKЭOXOЗ_{AMM}$ қўшиб комплекс таъсир этувчи дефолиантлар олиш ва ишлаб чиқишнинг технологик схемаси 8-расмда келтирилган.



8-расм. Суюқ магний хлорат дефолианти ёки 70%-ли натрий хлоратининг учқарбамиди эритмасига $KAzKЭOXOЗ_{MЭA}$ ёки $KAzKЭOXOЗ_{AMM}$ асосида дефолиантлар олишнинг технологик схемаси.

1-концентранган нитрат кислотаси учун ҳажм-сақлагич; 2,14,19-марказдан қочма насослар; 3,4,6,18,21,23-сарфлагичлар; 5-аралаштиргичли реактор; 7-бункер; 8-лентали оғирлик сарфлагич; 9-экстрактор; 10,13-оралиқ сақлагич; 11-ботирилган насос; 12-пресли-фильтр; 15-нейтрализация-реактори; 16-моноэтаноламин учун ҳажм-сақлагич; 17-аммиакли сув учун ҳажм-сақлагич; 20-вакуумли-буғлатгич; 22-реактор ва 24-қадоқлаш қурулмаси

ТКХН ва моноэтанолламин билан нейтралланган КАЗКЭОХОЗ асосида олинган маҳсулотнинг кимёвий таҳлили натижалари қуйидагича таркибли: 69,71% натрий хлоратнинг учкарбамиди, 0,41% КАЗКЭОХОЗ_{МЭА} ва 29,88% сув.

ТКХН ва аммиак билан нейтралланган КАЗКЭОХОЗ асосида олинган тайёр маҳсулот қуйидагиларни сақлайди: 69,76% натрий хлоратнинг учкарбамиди, 0,34% КАЗКЭОХОЗ_{АММ} ва 29,90% сув.


Суюқ ХМД ва КАЗКЭОХОЗ_{МЭА} асосида 1,0:0,003 нисбатда олинган дефолиант мос равишда 35,892% $Mg(ClO_3)_2$; 8,973% $MgCl_2$ ва 0,3% КАЗКЭОХОЗ_{МЭА} сақлайди. Олинган тайёр маҳсулот қуйидагича қовушқоқлиги 2,838 мм²/с, зичлиги 1,3957 г/см³ ва кристалланиш ҳарорати 2,5 °С га хоссаларга эга. Суюқ ХМД ва КАЗКЭОХОЗ_{АММ} асосида олинган суюқ дефолиант 35,889% $Mg(ClO_3)_2$; 8,971% $MgCl_2$ ва 0,25% КАЗКЭОХОЗ_{АММ} сақлайди. Олинган тайёр маҳсулотнинг қовушқоқлиги 2,680 мм²/с, зичлиги 1,3955 г/см³ ва кристалланиш ҳарорати 2,0 °С га тенг.

Диссертациянинг «**Магний хлорат, карбамид, аммоний нитрат, ацетат моноэтанолламин ва этилен ҳосил қилувчи бирикма асосида дефолиант олишнинг технологиясини асословчи, системаларни тадқиқ этиш**» деб номланган тўртинчи бобида магний хлорат, магний хлорат-хлорид, карбамид, аммоний нитрат, ацетат моноэтанолламин ва этилен ҳосил қилувчи моддаларни, сувли системаларининг тадқиқотлари келтирилган. Юқорида келтирилган компонентлар асосида самарадорли, «юмшоқ» таъсир этувчи дефолиант олиш жараёнини асослаш учун қуйидаги системаларда эритмаларнинг физик-кимёвий хоссалари ва эрувчанлиги ўрганилди: $Mg(ClO_3)_2 \cdot CO(NH_2)_2 \cdot H_2O$; $Mg(ClO_3)_2 \cdot CH_3COOH \cdot NH_2C_2H_4OH \cdot H_2O$; $[79,0\% Mg(ClO_3)_2 + 21,0\% MgCl_2] \cdot CH_3COOH \cdot NH_2C_2H_4OH \cdot H_2O$; $\{98,5\% [90\% жХМД + 10\% CO(NH_2)] + 1,5\% NH_4NO_3\} \cdot CH_3COOH \cdot NH_2C_2H_4OH$.

Уларнинг политермик эрувчанлик диаграммалари ва «таркиб-хосса» диаграммалари қурилди.


Суюқ магний хлоратининг карбамид билан таъсирлашиш механизмини аниқлаш мақсадида, $[79,0\% Mg(ClO_3)_2 + 21,0\% MgCl_2] \cdot CH_3COOH \cdot NH_2C_2H_4OH \cdot H_2O$ системаси ўрганилган. Суюқ магний хлорат дефолианти карбамидни оптимал $Mg(ClO_3)_2$ 36±1% $CO(NH_2)_2$ 9±1% сақлаши аниқланди. Ушбу таркиб юқори дефолиацияловчи фаолликни сақлаган, магний хлоратнинг иккикарбамидли бирикмасига мувофиқ келди. Дефолиацияловчи фаолликни ошириш учун аммоний нитратини компонентларнинг эрувчанлигига таъсири ўрганилган. Янги дефолиант таркибида аммоний нитратни миқдори 1,5% бўлганда яхши физик-кимёвий хоссага эга бўлган, оптимал таркибли бўлиши аниқланди.

$Mg(ClO_3)_2 \cdot CH_3COOH \cdot NH_2C_2H_4OH \cdot H_2O$;
 $[79,0\% Mg(ClO_3)_2 + 21,0\% MgCl_2] \cdot CH_3COOH \cdot NH_2C_2H_4OH \cdot H_2O$ системаларда компонентларнинг эрувчанлиги ўрганилди, унда $Mg(CH_3COO)_2 \cdot 4H_2O$ бирикма ҳосил бўлиши аниқланди, бирикма кимёвий, термик ва рентгенофазовий усулларда таҳлил қилиниб мавжудлиги тасдиқланди (расм 9).




9-расм. [79,0% $Mg(ClO_3)_2$ +21,0% $MgCl_2$]- $CH_3COOH \cdot NH_2C_2H_4OH \cdot H_2O$ системасининг политермик эрувчанлик диаграммаси.

{98,5%[90%жХМД+10% $CO(NH_2)_2$]+1,5% NH_4NO_3 }- $CH_3COOH \cdot NH_2C_2H_4OH$ система эритма таркибини физик-кимёвий хоссаларининг (кристалланиш ҳарорати, зичлик, қовушқоқлик, pH) ўзгаришига боғлиқлиги ўрганилди ва «таркиб-хосса» диаграммаси қурилди (расм 10).



10-расм. {98,5%[90%жХМД+ 10% $CO(NH_2)_2$]+1,5% NH_4NO_3 }- $CH_3COOH \cdot NH_2C_2H_4OH$ компонентлардан иборат система эритмаларида кристалланиш ҳарорати (1), pH (2), зичлик (3) ва қовушқоқликларнинг (4) ўзгаришига боғлиқлиги.

Қуйидаги системалар: $Mg(ClO_3)_2 \cdot CH_3COOH \cdot NH_2C_2H_4OH \cdot H_2O$; $[79,0\% Mg(ClO_3)_2 + 21,0\% MgCl_2] \cdot NH_2C_2H_4OH \cdot CH_3COOH \cdot H_2O$, шунингдек суюқ магний хлорат дефолиантида карбамидни, аммоний нитратни ва ацетат моноэтаноламиннинг эрувчанлигини кристалланиш ҳарорати, зичлиги, рН мухити, қовушқоқликнинг ўзгариши боғлиқ ҳолда ўрганилди, янги дефолиант олишнинг принципитал технологик схемасини таклиф этиш учун карбамид ва аммоний нитратлар эриши асос бўлиб хизмат қилди (расм 11).



11-расм. «ЎзДЕФ» дефолианти олишнинг принципитал технологик схемаси.

1-ҳажм сақлагич, 2-марказдан қочма насос, 3-сарфлагич, 4-реактор,
5-транспортёрлар, 6-бункер, 7-лентали оғирлик сарфлагич,
8-қадоқлаш қурилмаси, 9-жўмрақлар

Технологиянинг моҳияти шундан иборатки 36%-ли магний хлорат дефолиантига карбамидни, аммоний нитратни ва ацетат моноэтаноламинни кетма-кет эритишни ўз ичига олади. Мураккаб таркибга эга бўлган «Ўзбекистон дефолианти»-«ЎзДЕФ» номли препарат олинди.

«ЎзДЕФ» дефолианти олиш жараёнининг асосий босқичлари:

- реакторга суюқ магний хлорат препарати эритмасини юклаш;
- суюқ магний хлорат эритмасига карбамидни юклаш ва эритиш;
- олинган бир жинсли магний хлорати иккикарбамиди эритмасига, аммоний нитратни юклаш ва эритиш;
- олинган бир жинсли эритмага, ацетат моноэтаноламинни эритиш;
- олинган «ЎзДЕФ» дефолиантини жойлаш ва қадоқлаш.

Олинган маҳсулот ўзига хос тиниқ бироз сарғиш рангли, бир жинсли эритма бўлиб, $30,0 \pm 1\%$ магний хлорат, $9,8\%$ карбамид, $1,5\%$ аммоний нитратни сақлайди. Маҳсулотнинг кристалланиш ҳарорати $9,0^\circ C$, зичлиги $1,44-1,45 \text{ г/см}^3$ тенг.


«ЎзДЕФ» дефолиантининг тажриба-саноат партиясини ишлаб чиқариш мақсадида, дефолиантнинг техник шarti Ts 00203855-43:2014 ишлаб чиқилди, келишилди ва тасдиқланди.

Таклиф этилган технология «Farg'onaazot» AJ нинг тажриба ва

тажриба-саноат қурилмасида синаб кўрилди ва 2009 йилдан 2016 йилгача 10,0 минг тонн. кўпроқ «ЎзДЕФ» дефолиантининг тажриба намуналари ишлаб чиқарилди.

